

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ВА ТОШКЕНТ
КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

КУЛДАШЕВА ШАХНОЗА АБДУЛАЗИЗОВНА

**КЎПФУНКЦИОНАЛ СТРУКТУРАНТЛАР БИЛАН КЎЧМА
ҚУМЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШНИНГ КОЛЛОИД-КИМЁВИЙ
ҚОНУНИЯТЛАРИ**

02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Contents of the abstract of dissertation doctor of science (DSc)

Кулдашева Шахноза Абдулазизовна

Кўпфункционал структурантлар билан кўчма қумларни
мустаҳкамлашнинг коллоид-кимёвий қонуниятлари..... 3

Кулдашева Шахноза Абдулазизовна

Коллоидно-химические закономерности закрепления подвижных песков
многофункциональными структурантами..... 29

Kuldasheva Shakhnoza Abdulazizovna

Colloid-chemical regularities of fixing of mobile sands by multifunctional
structurants 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 53

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ВА ТОШКЕНТ
КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

КУЛДАШЕВА ШАХНОЗА АБДУЛАЗИЗОВНА

**КЎПФУНКЦИОНАЛ СТРУКТУРАНТЛАР БИЛАН КЎЧМА
ҚУМЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШНИНГ КОЛЛОИД-КИМЁВИЙ
ҚОНУНИЯТЛАРИ**

02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.DSc/K34 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида www.ionx.uz ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.zionet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Эшметов Иззат Дўсимбатович
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Абдурахимов Саидакбар Абдурахманович
техника фанлари доктори, профессор

Акбаров Хамдам Икромович
кимё фанлари доктори, профессор

Нарметова Гульнара Розикулловна
кимё фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Урганч давлат университети

Диссертация ҳимояси Умумий ва ноорганик кимё институти ва Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc 27.06.2017.К/Т.35.01 рақамли Илмий кенгашнинг «___» _____ 2018 йил соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90, e-mail: ionxanruz@mail.ru).

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ № ___-рақамли реестр баённомаси).

Б.С.Закиров

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, к.ф.д.

Д.С.Салиханова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, т.ф.д.

С.Тухтаев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
к.ф.д., проф., академик

Кириш (докторлик диссертацияси аннотацияси (DSc))

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда экологик ҳолатнинг ёмонлашувига сабаб бўлувчи муҳим омиллардан бири шамол таъсирида чўл ва қурғоқчил ҳудудлардаги чанг ва минерал тузларни атмосфера ҳавосига кўтарилишидир. Шу сабабли, дефляция жараёнларини олдини олишда чанг ва туз зарраларини мустаҳкамловчи, шамол эрозиясини олдини олишда кўчма тупроқ ва қум юзасида мустаҳкам структура ҳосил қилиш муҳим масала ҳисобланади. Шу мақсадда, арзон, сувда эрувчан саноат чиқиндилари асосидаги сирт фаол моддалар(СФМ) каби кимёвий реагентлардан тайёрланган мустаҳкамловчи композициялар ёрдамида учувчан тузли тупроқ ва қумларни мустаҳкамлаш коллоид-кимёнинг асосий муаммоларидан биридир.

Ҳозирги пайтда жаҳонда чўл ҳудудлари кўчма қумларини мустаҳкамлаш бўйича бир қатор чора тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Ушбу вазиятни олдини олишда янги мустаҳкамловчи реагент кўшилмалар ва улар композициялари ёрдамида қум дисперсияларини кимёвий мустаҳкамлаш орқали структурланган юза қатлами ҳосил қилишдан иборатдир. Тузли тупроқ-қум дисперсияларини мустаҳкамловчи композициялар ишлаб чиқишда қатор, жумладан, қуйидаги тегишли илмий ечимларни асослаш зарур: мустаҳкамловчи кўшилма компонентлари билан тупроқ-қум заррачалари ўзаро бевосита бирикиш хусусиятига эга бўлишини аниқлаш; мустаҳкам структура ҳосил бўлишида мустаҳкамловчи кўшимчаларнинг қум заррачаларига кўшилиш жараёнидаги структуравий-кинетик birlik ўлчамларга боғлиқлигини аниқлаш; тупроқ-қум дисперсиялари ва мустаҳкамловчи кўшилманинг ўзаро таъсири юқори бўлса, мустаҳкамликни максимал кўтарилишининг концентрацияга боғлиқлигини аниқлаш.

Бугунги кунда мамлакатимизда чўл ҳудудлари кўчма тупроқ ва қумларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, уларни шамол ва сув эрозиясидан муҳофаза қилиш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар асосида назарий ва амалий натижаларга эришилди. Хусусан, сув ва ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, суғориладиган ва суғорилмайдиган (лалми) ерлар тоғ, чўл ва яйловли ҳудудлари унумдорлигини ошириш ва самарали фойдаланиш, шунингдек, уларнинг мелиоратив ҳолатини, унумдорлигини ошириш бўйича олиб борилаётган изланишларни алоҳида таъкидлаш мумкин. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришга қаратилган Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи ва тўртинчи йўналишларида «орол денгизи қуриб қолишининг қишлоқ хўжалиги ривожланиши ҳамда аҳолининг ҳаёт фаолиятига салбий таъсири юмшатиш» ва «одамлар яшашининг экологик хавфсизлигини таъминлаш, маиший чиқиндиларни қайта ишлаш комплексларини қуриш ва модернизация қилиш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш..» га қаратилган муҳим вазифалари белгиланган. Бу борада саноат чиқиндилари асосида мустаҳкамловчи реагентлар композициясини яратиш ва уларни кўчма қум дисперсияларини

мустаҳкамлашда фойдаланишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони, 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3236-сон «2017-2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури» тўғрисидаги Қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 24-декабрдаги 363-сон «Орол денгизи бўйидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича халқаро ҳамкорлик тараққиёти» тўғрисидаги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи¹.

Кўчма қум ва тупроқларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, шунингдек, уларда мустаҳкам юза структурасини ҳосил қилиш учун мустаҳкамловчи кўшилмалар композициясини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий изланишлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим юртлирида, жумладан, United States Geological Survey (АҚШ), Университете Нью-Мексико Хайлендс (АҚШ), «Нива Татаристон» илмий текшириш институти (Россия), Қозон кимё-технология университети (Россия), Санкт-Петербург давлат техника университети (Россия), Милан техника университети (Италия), Воронеж давлат ўрмон хўжалиги университети (Россия), Синтетик полимер материаллар институти (СПМИ) (Белгия), Умумий ва ноорганик кимё институтида (Ўзбекистон) да олиб борилмоқда.

Жаҳонда кўчма қум тупроқларда мустаҳкам структура ҳосил қилиш ва бунинг учун комплекс мустаҳкамловчи реагентларни танлашга оид олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: оч-кул ранг тупроқ структурасини яхшилашда ГИПАН ва ВПК-402 сувда эрувчан полимерлар ишлаб чиқилган («Нива Татаристон» илмий текшириш институти, Россия), Курск вилоятида нотўғри фойдаланилган ерларнинг структурасини яхшилашда ПАА асосида комплекс препаратлар ишлаб чиқилган (Санкт-Петербург давлат техника университети, Россия); тупроқ структурасини яхшилашда мустаҳкамловчи препарат сифатида полиурон кислотаси, полисахаридлар, целлюлоза, стеорин,

¹Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: <http://www.bestreferat.ru>; <http://www.desertusa.com/life>; <http://www.ru-wiki.ru>; <http://www.National Geographic>; http://www.journals.elsevier.com/acta-our-energy.com/china_hydropower; <http://www.epochtimes.ru>; <https://geographyofrussia.com/ekologicheskie-problemy-afriki/>; <https://africana.ru> <http://www.nippon.com/ru>; <http://www.gnoom63.livejournal.com>; <http://www.uznature.uz>; <http://www.work5.ru>.

альгинлар ишлаб чиқилган (United States Geological Survey, Америка); тупроқ структурасини яхшилашда ВР-1, ВР-2, СН-3 ва бошқа шу каби препаратлар яратилган (Синтетик полимер материаллар институти (СПМИ), Белгия).

Дунёда сирт фаол моддалар ва мустаҳкамловчи кимёвий реагентлардан фойдаланиб, тупроқ структурасини яхшилаш ва шамол эрозиясидан муҳофаза қилиш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: тупроқ структурасини ацетонформальдегид смоласидан полимер боғловчи сифатида инъекция ва эркин сепиш усулида тупроқ юзасига ишлов бериш; сувда эрувчан полимерлар асосида кўчма кумларда структура ҳосил қилиш; кум ва тупроқ заррачаларидаги адгезия ва адсорбцияни аниқлаш; полиэлектродитлар таъсирида кум зарралари орасидаги кимёвий боғлиқликни аниқлаш; ҳосил бўлган мустаҳкам қатламнинг физик, физик-кимёвий ва коллоид-кимёвий хоссаларини аниқлаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сирт фаол моддалар, полиэлектродитлар, гидрогеллар, поликомплекслар иштирокида кўчма кумларда структура ҳосил қилишни коллоид кимё соҳасида тизимли мақсадга йўналтирилган тадқиқотлар А.С. Walker, Katsuyama Arata, Maruyama Ippei, A.Ulinska, L.Huppenthal, D.Gawarowska, M.J.Mobut, C.Flaret, W.Brown, L.E.Weeks, H.L.Fiedler, Ребиндер П.А., Морозов С.С., Мичурин Б.Н., Левандюк А.Г., Лыков М.А., Батталова Ш.Б., Мусабеков К.Б. ва бошқаларнинг илмий мактаблари томонидан фаол олиб борилган. Ўзбекистонда коллоид кимё соҳасида К.С. Ахмедов бошчилигидаги илмий мактаб яратилган бўлиб, уларнинг вакилларида Э.А.Арипов, Ф.Л.Глекель, С.С.Хамраев, С.Н.Аминов, А.А.Агзамходжаев, У.К.Ахмедов, С.З.Муминов, Г.У.Рахматқариев, Б.Н.Хамидов, Г.Р.Нарметова, С.А.Абдурахимов, В.П.Гуро, И.Д.Эшметов, И.К.Сатаев, О.К.Бейсенбаев, Б.Н.Нуриев ва бошқалар унинг ривожланиши учун салмоқли ҳисса қўшганлар.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳозирги пайтгача кўчма тузли тупроқ-кум дисперсларини саноат чиқиндилари асосида яратилган мустаҳкамловчи реагент қўшилмалар ва улар композициялари ёрдамида структурланган мустаҳкам юза ҳосил қилиш ва уларнинг мустаҳкамланиш механизмлари бўйича тадқиқотлар олиб борилмаган. Мавжуд усуллар орқали ишлатиладиган мустаҳкамловчи қўшилмаларнинг эса, нархлари бир мунча қиммат, уларнинг сувли эритмаларини тайёрлаш мушкул ва топилиши қийин. Ушбу диссертация ишида кўчма тузли тупроқ-кум дисперсияларини мустаҳкамлаш хусусиятига эга бўлган самарали комплекс қўшилмаларни саноат чиқиндилари асосида танлаш ва уларни юза мустаҳкамлиги ва сув бардошлиги каби коллоид кимёвий хусусиятларини, мустаҳкамлаш қонуниятларини аниқлаш ҳамда мустаҳкаланган тупроқ-кумларда тузга чидамли ўсимлик уруғларини экиб ундириш имконини беради.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим ёки илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Умумий ва ноорганик кимё институтининг илмий-тадқиқот ишларининг А-7-162 рақамли «Маҳаллий хом ашё асосида комплекс

қўшилмалари ёрдамида Орол денгизи Кўк-Дарё бўйлари кўчма тузли тупроқ ва қумларини кимёвий мустаҳкамлашнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш ва дала шароитида қўллаш» (2006-2008 й.й.) мавзусидаги амалий лойиҳа режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади сувда эрувчан СФМ ва саноат чиқиндилари асосида олинган кўпфункционал структурантлар ёрдамида тузли тупроқ ва кўчма қумларни кимёвий қотиришнинг коллоид-кимёвий қонуниятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

Орол ва Сурхондарё вилояти кўчма тузли тупроқ-қум намуналарининг минералогик ва кимёвий таркиблари, шунингдек физик-кимёвий, коллоид-кимёвий хоссаларини аниқлаш;

силжувчан тузли тупроқ-қумларни мустаҳкамлаш учун комплекс қўшилмалар таркибини танлаш;

мустаҳкамловчи қўшилмалар ёрдамида кўчма қумларда мустаҳкам структура ҳосил бўлиш қонуниятларини, шунингдек қум юзасида дисперс боғланиш ҳосил бўлиш жараёнини ўрганиш;

Оролнинг Кўкдарё бўйлари турли ҳудудлари тузли тупроқ-қумларини ва Сурхондарё силжувчан тупроқ-қумларини мустаҳкамлаш учун мустаҳкамловчи қўшилмалар ва улар комплекси асосида мустаҳкамлаш усуллари ва технологиясини ишлаб чиқиш;

композицион қўшилмалар яратишнинг оптимал шароитларини ишлаб чиқиш ва энг самарали реагентларни танлаб кўчма тупроқ ва қумларни мустаҳкамлаш;

қўшилмалар комплекси композицияларини олиш ва улар ёрдамида қуриган Оролнинг тузли қумлари ва Сурхондарё вилояти чўл ҳудудлари тупроқ-қумларини мустаҳкамлаш технологияларини яратиш йўли орқали силжувчан тупроқ-қумларни шамол эрозиясидан ҳимоялаш ва атроф муҳит экологик вазиятини яхшилаш;

ишлаб чиқилган композициялардан фойдаланиб, уларнинг техник-иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Орол ва Сурхондарё кўчма тузли қуми ва тупроқлари, сувда эрувчан полимер, сирт фаол моддалар ва таркибида кальций микдори кўп бўлган саноат чиқиндилари, қўшимчалар (қул, оҳак, дарахт қипиғи, хазанг) ҳамда уларнинг композициялари танланган.

Тадқиқотнинг предмети саноат чиқиндиларидан ташкил топган кўпфункционал структурантларни яратиш ва уларни Орол ва Сурхондарё кўчма қум дисперсларига таъсир этиш, мустаҳкамлаш қонуниятларини ўрганишдан иборат.

Тадқиқот усуллари. Физик, коллоид-кимёвий, адсорбцион, ИК-спектроскопик, рентгенография, масс-спектроскопия, гранулометрик, калориметрик ва седиментацион.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

кўчма тузли тупроқ ва қумларни кимёвий мустаҳкамлаш учун реагентлар композициясини танлашнинг коллоид-кимёвий принциплари аниқланган;

кимёвий реагентлар ва саноат чиқиндиларидан ташкил топган кўпкомпонентли структурантларнинг эркин қум дисперсияларини мустаҳкамлаш механизмлари асосланган;

кўчма тузли-қум дисперсларига сувда эрувчан полимерлар билан ишлов берилганда, полимер икки ўлчамли структурадан уч ўлчамли структурага ўтиши ва сувда эримайдиган полимерларга айланиши аниқланган;

кўчма тузли тупроқ-қумларни мустаҳкамлаш учун таклиф қилинаётган усуллар асосида тупроқ-қум юза қатламининг механик мустаҳкамлиги 2,6-3,0 МПа гача ва сувга чидамли агрегатлар миқдори 70-80% бўлганда фитомелиоратция жараёнини амалга оширишнинг энг мақбул шароити аниқланган;

кўчма тузли тупроқларга оҳак, кул ва комплекс кўшилмалар $\text{Ca}(\text{OH})_2 + \text{СДБ}$ ва $\text{Ca}(\text{OH})_2 + \text{ЭГ}$ таъсири натижасида уларнинг «тупроқ-туз-сув-мелиорант-кўшимча» системасида сувда эрувчан тузлар билан бирикиб, гел ҳолатидаги янги маҳсулот ҳосил бўлиши натижасида уларнинг тупроқ зарраларида адсорбция ва адгезияга учраши юзада мустаҳкам структура ҳосил қилиш механизми асосланган;

кўшилмалар (дарахт қипиғи, хазанг, кул ва ҳ.к.) дан фойдаланиш ўсимлик унишини яхшилашга ёрдам беради, шунингдек композицион кўшилмаларнинг «юмшоқ» бириктирувчи таъсирини яхшилашда ёрдам берувчи мустаҳкамловчи қобикнинг ғовак ва намлик шароитини ошириши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

структура ҳосил қилиш қонуниятларини инобатга олган ҳолда танланган сирт фаол моддалар, полимерлар, кимёвий реагентлар ва бошқа кўшимчалар чўл ҳудудлари кўчма тупроқ ва қум дисперсларини мустаҳкамлаш имкониятининг амалий натижалари аниқланган (далолатнома тузилган);

Орол кўчма тузли тупроқ дисперсларига саноат чиқиндилари асосида тайёрланган $\text{Ca}(\text{OH})_2 + \text{СДБ}$ ва $\text{Ca}(\text{OH})_2 + \text{ЭГ}$ композициялари тавсия этилди;

Сурхондарё қум дисперсларини эркин ҳолатдан боғланган ҳолатга ўтишида ва чўл ҳудуди ўсимлигининг ривожланишини инобатга олган ҳолда, мустаҳкамлик ва сувбардошликни таъминлашда таркибида кальций сақловчи саноат чиқиндиси асосидаги композицияридан КГС тавсия этилган (далолатнома тузилган);

Орол кўчма қум дисперсларига уларнинг гранулометриқ таркиблари ва сувда эрувчан тузлар миқдорини инобатга олган ҳолда, сувда эрувчан СФМ орасидаги механизми аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Замонавий, кимёвий ва физик-кимёвий тадқиқот усуллари ёрдамида олинган натижалар илмий таҳлилий усуллар мажмуи билан асосланган. Олинган маълумотларни қайта ишлаш Стьюдент критерияси ёрдамида ўртача қийматнинг ишончлилиги

интервали оралиқ қийматларини ҳисоблаган ҳолда статистик таҳлил қилинди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти танланган кимёвий реагентлар, сирт фаол моддалар, полимерлар, кальций сақлаган саноат чиқиндилари ва бошқа қўшимчаларнинг кимёвий хоссалари, таркибини ўрганган ҳолда улар композицияларининг кўчма тупроқ ва қумларга таъсирининг коллоид кимёвий қонуниятларини аниқлаш билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти маҳаллий хом ашё ва саноат чиқиндиларидан фойдаланиб олинган композициялар кўчма тупроқ ва қум дисперсларини мустаҳкамлашда, уларнинг структураси ва мелиоратив ҳолатини яхшилашда, фитомелиорация жараёнида ғоваклик ва намликни таъминлашда, шунингдек атроф муҳитни муҳофаза қилишда ва олий таълимда талабаларга ўқув жараёнида қўлланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Орол ва Сурхондарё кўчма тупроқ ва қумларини мустаҳкамлаш учун ишлаб чиқилган кимёвий реагентлар композициясини яратиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

кимёвий реагентлар ва саноат чиқиндилари асосида яратилган янги композициялар Оролнинг Кўк-Дарё бўйлари кўчма тупроқ қумларини мустаҳкамлашда амалиётга жорий этилган (Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси 12 декабр 2017 йил № 03/1-6643 сонли маълумотномаси). Натижада КГС реагенти ва дарахт қипиғи композицияларидан фойдаланиб, мустаҳкам қатлам (мустаҳкамлиги 0,77-3,1 МПа ва сувга чидамлилиги 29,8-74,75%) ҳосил қилиш имконини берган;

сувда эрувчан полимер МПК-1 ва қўшимчалар (дарахт қипиғи, хазанг, оҳак, кул ва б.к) асосидаги янги композициялар Сурхондарё чўл ҳудудлари кўчма қумларини мустаҳкамлашда жорий этилган (Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси 12 декабр 2017 йил № 03/1-6643 сонли маълумотномаси). Натижада МПК-1 полимери ва дарахт қипиғи композицияларидан фойдаланиб, мустаҳкам қатлам (мустаҳкамлиги 0,70-3,16 МПа ва сувга чидамлилиги 31,8-81,28%) ҳосил қилиш имконини берган;

Орол кўчма тупроқ ва қумларини мустаҳкамлаб, фитомелиорация имкониятини инобатга олиб ишлаб чиқилган комплекс усул амалиётга жорий қилинган (Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси 12 декабр 2017 йил № 03/1-6643 сонли маълумотномаси). Натижада комплекс қўшилмалар билан ишлов берилган тупроқ ва қумларда тузга чидамли ўсимликлар ўстириш имконини берган;

атроф-муҳитни муҳофаза қилишда тупроқни сув ва шамол эрозиясидан муҳофаза қилиш, чўлланиш муаммосини олдини олиш, шунингдек атмосфера ҳавоси, сув ресурсларини муҳофаза қилиш натижалари асосида «5850200-экология ва табиатдан фойдаланиш» соҳаси талабалари учун «Табиатни муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш» дарслиги чоп этилган (11.05.2011 й., 192/9-сон гувоҳномаси). Натижада экология ва табиатдан фойдаланиш йўналишлари бакалавр ва магистр талабаларини

атроф муҳитнинг муҳим омиллари, табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича билим ва кўникмаларга эга бўлиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқотнинг асосий натижалари 14 халқаро ва 30 республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 58 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 1 та монография, 13 та илмий мақола, жумладан 4 таси хорижий ва 9 таси республика илмий журналларида чоп этилган. Шунингдек, мазкур диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари умумлаштирилган натижаларидан 1 та дарслик ва услубий қўлланмаларни тайёрлашда фойдаланилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 182 бетни ташкил этган

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган мақолалар ҳақида ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Кўчма қумларни кимёвий мустаҳкамлаш муаммолари ва улар ечимларининг замонавий ҳолати ҳақида»** деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган бўлиб, унда тузли тупроқ-қумларни кимёвий мустаҳкамлаш муаммоси бўйича илмий адабиётлар таҳлили берилган. Олиб борилган тадқиқотлар асосан шўрланмаган ёки нисбатан кам шўрланган тупроқ-қумларни мустаҳкамлаш учун қўлланилган мустаҳкамловчи полимерларни олиш, уларни физик-кимёвий ва коллоид-кимёвий хусусиятларини ўрганиш ҳамда лаборатория ва дала шароитларида тупроқ-қумларни мустаҳкамлаш учун қўллаш имкониятлари кўриб чиқилган. Кўрилган ишларда ўрганилган ва қўлланишга тавсия этилган мустаҳкамловчи қўшилмаларнинг топилиши қийин, нархлари қиммат ва танқислиги сабабли амалиётда деярли тадбиқ этилмаган. Адабиёт манбаларини таҳлил қилиш натижалари мавзунинг долзарблигини, диссертацияда кўрилатган муаммоларнинг қўйилишини ва уларни назарий ва тажриба усуллари билан босқичма-босқич ечиш лозимлигини тасдиқлайди.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Кўчма тупроқ ва қумларни мустаҳкамлаш учун кимёвий реагентлар композициясини танлаш тадқиқоти**» мавзусига боғланган бўлиб, ўрганилаётган кўчма тупроқ ва қумларни мустаҳкамлаш учун танланган кимёвий реагентлар, СФМ, саноат чиқиндилари композицияларининг физик- ва коллоид-кимёвий хоссалари тадқиқ этилган, тажрибаларни ўтказиш ва қўшилмалар ёрдамида олинган янги структурланган юза хоссалари ва мустаҳкамланиш механизмларини аниқлаш усуллари баён этилган.

Тадқиқот объекти сифатида, қуриган Оролнинг Кўк-дарё бўйлари ва Сурхондарё вилояти чўл ҳудудлари силжувчан тузли тупроқ-қум намуналари ишлатилган. Намуналар 0-5 см чуқурликдан олинган. Реагент – таркибини танлашда янги тамоиллардан фойдаланилган. Авваламбор, ишда индивидуал полимер препаратларидан фойдаланишдан воз кечилиб, маҳаллий сувда эрувчан полимерлар ва таркибида кальций бўлган саноат чиқиндилари ҳамда таркиби целлюлозага бой бўлган ёғоч қипиқлари ва уларнинг композицияларидан фойдаланилган. Ушбу танланган полимерлар, кимёвий реагентлар ва саноат чиқиндиларидан иборат мустаҳкамловчи қўшилмалар кўчма тупроқ-қум заррачалари ва улар таркибидаги тузлар билан ўзаро кимёвий боғланиб мустаҳкам юза қатламини ҳосил қилади.

Кимёвий модификациялаш йўли билан кўчма тупроқ юзасида сунъий мустаҳкам структура ҳосил қилиш мақсадида кальций гидросиликат реагентидан структурант сифатида фойдаланилди. CaSiO_3 (КГС) 17% суюқ шиша ва кальций хлор эритмаларининг қўшилиши натижасида олинган маҳсулот коллоид дисперс даражага эга бўлиб золдан гелга ўтади.

Бунда CaCl_2 таркибида 11-12% кальций хлор бўлган Қўнғирот сода заводи кальцинирланган сода ишлаб чиқаришнинг суюқ чиқиндиси - дистилляр суюқлигидан олинган. Дистилляр суюқликнинг таркиби қуйидагилардан иборат: CaCl_2 -11-12%, H_2O -83-84%, NaCl -4,0-4,5%, CaCO_3 -0,50-0,55%, MgO -0,08-0,09%.


Кўчма тупроқларни мустаҳкамлашда КГС эритмасининг керакли концентрациясини сепиш орқали ишлов берилади. Ўсимлик ўстириш ҳолатида эса уруғлари экилгандан сўнг сепилади. КГС мустаҳкамловчи эритмасини суюқ шиша ва кальций хлордан тайёрланган 0,2, 0,5, 0,8 и 1,1 % ли эритмалари ёғоч қипиғи композицияларига мос нисбатларда тайёрлаб олинади.

Орол ва Сурхондарё кўчма тупроқ ва қумларини мустаҳкамлаш учун ишлаб чиқилган композициялар шамол эрозиясини инобатга олган ҳолда қўлланилади. Шунингдек, СФМ, кимёвий реагентлар кўчма қум ва тупроқлар таркибидаги тузларнинг миқдорига боғлиқ ҳолда танланди.


Диссертациянинг учинчи бобида «**Орол ва Сурхондарё кўчма тупроқ ва қумлари минерологик, кимёвий ва дисперс таркиблари хусусияти**» мавзуси бўйича ушбу ҳудудлар кўчма қум намуналарининг гранулометрик, кимёвий ва туз таркиби тадқиқотлари натижалари келтирилган. Орол тузли кўчма тупроқ ва қумлари Сурхондарё кўчма тупроқ ва қумларига қараганда минераллашганлиги аниқланди. Сувда эрувчан

тузлар асосан хлорид ва натрий сульфатлардир. Намуналарда SiO_2 нинг миқдори 89,24 %, CaO , MgO , K_2O ва Na_2O миқдори эса 1,11; 0,95; 1,85 и 1,35 %, ни ташкил этади. Гранулометриқ таркиби бўйича Оролнинг Кўк-Дарё қумлари 0,1-0,05 мм ўлчамга тенглиги аниқланди.

1-расмдан кўришиб турибдики, Каттақум намуналарини қиздирилиши натижасида унинг дериватограммаси (ДТА) 3 та эндотермик эффектга эга.



1- расм. Сурхондарё Каттақум қум намунаси дериватограммаси (ДТА)




2- расм. Сурхондарё Каттақум қум намунаси спектрограммаси


2-расмда Каттақум кўчма қумларининг спектрограмма орқали аниқланган асосий минераллар майдони келтирилган.

Орол кўчма тузли тупроқларининг дериватограммаси 3-расмда келтирилган.

Орол кўчма тупроқлари асосан минераллардан дала шпати (майда фракциялар учун) ва эпидоциозит (йирик фракция учун) гуруҳига мансублиги аниқланди. Шунингдек, ушбу кумларда карбонатлар (до 20%) ва дала шпати (до 10%) дан ташқари кварц (29,6%гача), альбит (10,1%гача), мусковит (12,5 %гача) ва апортит (10,4% гача) борлиги аниқланди 4-расм.



3 расм. Орол кўчма тузли тупроқларининг дериватограммаси (ДТА)



4- расм. Орол кўчма тузли тупроқлари спектрограммаси

Сурхондарё вилояти Жаркўрғон кўчма тупроқларининг сувли сўрим анализ натижаларига кўра катионлар Ca^{2+} (4 мг-экв/100 дан юқори), Mg^{2+} (2мг-экв/100 дан юқори) ва Na^{+} (2,5 мг-экв/100 дан юқори), шунингдек, анионлар миқдори HCO_3^- (0,6 мг-экв/100), Cl^- (2,5 мг-экв/100 дан юқори) ва SO_4^{2-} (6 мг-экв/100 дан юқори) аниқланди. Ушбу кўчма кум дисперсларидан

кўра кўчма тупроқларида туз миқдори кўпроқлигидан далолат беради (1-жадвал).

1-жадвал

Сурхондарё кўчма тупроқ ва қумларининг сувли сўрим анализи натижалари қуруқ намунанинг 1:10 сувга нисбатида

Намуналар	pH	100 г қуруқ намунанинг мг-экв даги таркиби												
		Катионлар						Анионлар						
		Ca ²⁺	Mg ²⁺	K ⁺	Na ⁺	NH ₄ ⁺	Σ мг-экв	CO ₃ ⁻	HCO ₃ ⁻	Cl ⁻	SO ₄ ²⁻	NO ₃ ⁻	NO ₂ ⁻	Σ мг-экв
Кўчма тупроқ	7,00	4,55	2,20	0,1	2,61	0,05	9,51	н/о	0,60	2,55	6,07	0,29	-	9,51
қум	7,30	0,35	0,30	0,1	0,1	0,05	0,96	Н/о	0,4	0,07	0,3	0,13	-	0,9

Биз Орол ва Сурхондарё кўчма тупроқ ва қумларининг структура-ғоваклик тавсифларини ўргандик ва натижалар 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал


Орол ва Сурхондарё кўчма тупроқлари ва қумларининг тузилмали-ғоваклик тавсифлари

Намунанинг номи	Нисбий солиштирма оғирлиги, г/см ³				порозность, %	Ғоваклик, % ўртача	Σ ғовак хажми, см ³ /г
	ҳаво	сув	бензол	симоб			
Кўчма тупроқ:							
-Орол	1,82	2,96	2,98	1,56	39,1	45,5	0,71
-Сурхондарё	1,70	2,84	3,36	1,34	41,2	59,7	0,45
қум:							
-Орол	1,80	2,70	-	-	35,2	-	-
-Сурхондарё	1,62	2,52	-	-	36,4	-	-

Орол ва Сурхондарё қумларининг порозности, қоидага биноан уларнинг кўчма тупроқлариникига нисбатан пастлиги кузатиш мумкин (2-жадвал). Бунда кўчма тупроқлар ғоваклигининг порозностига нисбатан юқори эканлигини кузатиш мумкин. Сурхондарё кўчма тупроқларининг порозности, ғоваклиги ва ғовакликлар хажмининг умумий йиғиндиси Орол тупроқларига нисбатан катталиги аниқланган. Бу ҳолат шундан далолат берадики, Сурхондарё кўчма тупроқлари Орол қумларига нисбатан кўпроқ сувни ютади (сорбциялайди). Бу ҳолат Орол ва Сурхондарё кўчма тупроқларини сув ютиш кинетик тавсифига кўра ҳам исботланганлигини 5-расмдан кўриш мумкин.

Орол ва Сурхондарё кўчма тупроқлари ва қумларининг таҳлилий натижалари 3-жадвалда келтирилган. Қолдиқ босим 10^{-6} мм сим.ус. ва 100-170⁰С ҳароратда ҳавосиз шароитда олинган намуналарнинг сувда ҳўлланиш иссиқлик қиймати ҳам ўрганилган.

Юқори-вакуумли қурилмада 170⁰С ҳароратда қиздириш орқали, Орол ва Сурхондарё кўчма тупроқларида сув буғларининг адсорбцияланиш изотермалари олинган ва 6 ва 7 расмларда келтирилган.



5-Расм. Орол (1,3) ва Сурхондарё (2,4) кўчма тупроқлари (1,2) ва қумлари (3,4) сув ютишининг кинетик тавсифи

Ўрганилган намуналарнинг иссиқлик қиймати самадорлигига кўра гидрофил гилларга яқинлиги ўрганилган (3-жадвал).


3-Жадвал.

Орол ва Сурхондарё кўчма тупроқ ва қумларининг асосий тавсифлари


Намунанинг номи	Хўлланиш иссиқлиги, (Q), дж/г	Солиштирма юзаси, (S), м²/г	Боғланган сув, (A), %	$\frac{Q}{A} * 100, \%$
Кўчма тупроқ:				
-Орол	18,4	153	5,62	327,4
-Сурхондарё	24,5	192	7,12	344,1
қум:				
-Орол	5,55	52	1,71	324,6
-Сурхондарё	6,79	64	2,12	320,3

Орол ва Сурхондарё кўчма тупроқларида сув буғларининг адсорбцияланишидан олинган изотермалари (6 ва 7-расм.), сорбцияланиш (гистерезиси) қия чизиғи S-симон шаклга эга бўлади ва жуда кичик катталиқ билан фарқланади P/P_s. Бизга маълум А.В. Кисилевнинг синфлашига кўра бу изотермалар тўртинчи турга мослиги кузатилган ва бу гилли минералларда

сув буғларининг сорбцияланиш изотермалари билан тавсифланади. (1-ўсиш, 2-қайтиш эгри чизиклари).



6-Расм. Орол кўчма тупроқларида сув буғларининг адсорбцияланиш изотермалари (1-ўсиш, 2-қайтиш эгри чизиклари)



7-Расм. Сурхондарё кўчма тупроқларида сув буғларини адсорбцияланиш изотермалари (1-ўсиш, 2-қайтиш эгри чизиклари)

Орол ва Сурхондарё кўчма тупроқларининг структура-сорбцияланиш кўрсаткичлари 4-жадвалда келтирилган.

Намунада (Сурхондарё кўчма тупроқлари) туз миқдори қанчалик кам бўлса, кўчма тупроқнинг ички юзаси шунчалик ривожланган бўлади. Орол кўчма тупроқлари ташқи юзасининг ривожланганлиги тузларни коагуляциялантириш хусусияти билан кузатилади. Сурхондарё кўчма тупроқлари Орол тупроқларига нисбатан афзаллиги шундаки, Орол кўчма

тупроқларида туз миқдори кўплиги уларнинг структура-сорбциявий кўрсаткичларини ўзгартиради.

4-жадвал

Орол ва Сурхондарё кўчма тупроқларининг структура-сорбцияланиш кўрсаткичлари

Структура-сорбцияланиш кўрсаткичлари	Структура-сорбцияланиш қийматлари	
	Орол кўчма тупроғи	Сурхондарё кўчма тупроғи
$a_m, \text{ моль/г}$	0,84	1,32
$S, \text{ м}^2/\text{г}$	153	192
$S_{\text{иц}}, \text{ м}^2/\text{г}$	22	28
$S_{\text{таш}}, \text{ м}^2/\text{г}$	131	164
$a_s, \text{ моль/г}$	15,5	22,4
$V_s, \text{ см}^3/\text{г}$	0,26	0,34
$r_{\text{сам}}, \text{ нм}$	6,2	8,1
P/P_s да адсорбцияланиш моль/г		
0,2	3,6	3,7
0,4	4,1	4,3
0,8	5,0	5,2

Диссертациянинг «Оролнинг кўчма тупроқ ва қумларини кимёвий мустаҳкамлаш» тўртинчи бобида Орол Кўкдарё бўйлари кўчма тузли қумларини қум-боғловчи сифатида сувда эрувчан полимерлар, СФМ (сирт фаол модда) ва кимёвий реагентлар аралашмалари комплекси ёрдамида мустаҳкамлаш ва фитомелиорация тадқиқот натижалари келтирилган.

Биз кўчма қум ва тупроқдаги мустаҳкам қобик (қатқалок) ва уни ташкил этувчи сувга чидамли агрегатлар (СЧА)ни кальций гидроксиди ва (майин) дисперсли кул қўшилмалари ёрдамида К-4, К-9, СДБ, ЭГ, АП, МН, МПК-1 каби мелиорантлар таъсирида шаклланишини ўргандик.

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, одатда тузсиз тупроқларда сунъий структура ҳосил қилишда қўлланиладиган сувда эрувчан К-4, К-9 полимерлари, тузли қум-тупроқларда структура ҳосил қилиш вазифасини тўлиқ бажармайди, улар фақатгина маълум бир даражада мустаҳкам сувга чидамли агрегат ҳосил қилиши орқали тузилма ҳолатини яхшилайти ва шу сабабли шаклланиладиган ташқи қобик етарли мустаҳкамликка эга бўлмайди.

Қум-тупроқни СДБ, ЭГ, АП, МН – турли СФМни сувли эритмаси ҳамда (комплекс аралашма) кальций гидроксиди ва кул билан ишлов бериш анча самарали эканлигини кўрсатди, 50-90% сувга чидамли агрегатлар олиш ва етарли мустаҳкамликка эга юза қобилигини ҳосил қилиш имконини берди.

Аралашмаларнинг бундай самарали таъсири уларнинг нафақат қум-тупроқ ва қум юза заррачаларига адсорбцияланиши, балки тузлар билан янги муҳит ҳосил қилиши ва уларни системада локализацияланиши кузатилади.

Бу жараённинг механизмини аниқлаштириш учун алоҳида тузлар композицияларини, ҳамда тузли ва тузсиз қум-тупроқларни тадқиқотлаш

мақсадида махсус тажрибалар ўтказилди. Бунда СФМлар аралашмалари самарадорлигини ошириш ва уларни кальций гидроксидли ёки кулли аралашмалари сарфини камайтириш учун қум-тупроқни қисман оҳаклаш усулидан фойдаландик.

Маълумки, қум-тупроқларни оҳаклаш тупроқли эритмаларнинг рН ни кескин ортишини таъминлайди, қум зарралари ютувчи мажмуида бир валентли ионлар ва Ca^{2+} ионлар қўшиш ва натижада қум-тупроқ микротузилмасини мустаҳкамлаш ва қумнинг органик захирасини тўлдиришга эришилади.

5-жадвал

Оролнинг Муйноқ тузли қум-тупроқларини комплекс қўшилмалар таъсирида сувга чидамли агрегатлар ва юза мустаҳкамлиги ҳосил бўлиши

Аралашмалар композицияси				Мустаҳкамлиги, МПа	СЧА миқдори, %, фракцияларга қўра, мм				СЧА Σ , %
СФМ		$\text{Ca}(\text{OH})_2$ кг/м ²	кул кг/м ²		2	1	0,5	0,25	
Номла ниши	Концент. %								
-	-	-	-	0,62	-	-	1,62	6,45	8,07
К-4	0,1	-	-	0,68	-	-	2,13	6,31	8,44
К-9	0,1	-	-	0,78	0,92	0,14	2,82	5,96	9,84
СДБ	30,0	-	-	1,56	10,15	1,72	2,76	16,27	30,90
СДБ	30,0	0,13	-	2,84	97,85	10,85	9,93	14,45	79,08
СДБ	30,0	-	1,28	2,90	58,32	4,56	4,27	5,96	73,11
ЭГ	5,0	-	-	1,43	22,16	2,06	2,46	8,06	34,74
ЭГ	5,0	0,13	-	2,70	41,65	8,18	9,53	10,15	69,51
ЭГ	5,0	-	1,28	2,72	42,85	8,06	9,42	11,23	71,56
АП	25,0	-	-	2,68	42,65	6,82	0,67	1,66	51,80
АП	25,0	0,13	-	3,04	59,11	6,00	2,65	3,42	71,88
АП	25,0	-	1,28	3,38	76,56	1,08	0,54	1,06	79,24
МН	5,0	-	-	1,24	15,16	0,76	2,01	5,06	22,99
МН	5,0	0,13	-	1,46	35,80	7,11	5,85	9,13	57,89
МН	5,0	-	1,28	1,56	58,91	3,04	1,86	2,03	65,84

Аммо, ўз-ўзидан оҳаклаш жараёни қум-тупроқда микроструктура ҳолатини (агрегатлар $>0,25$ мм) яхшиламайди ва сувга чидамли макроагрегатлар олиш имконини бермайди. Бунда осон эрийдиган тузларнинг маълум бир миқдорда 20-30% ва қум-тупроқни оҳак ёрдамида мустаҳкамлаш хусусиятини яхшилаш имконини беради.

Комплекс аралашмаларнинг бошқа компонентлари шундай моддалар бўлиши керакки, тузлар билан биргаликда қандайдир бир композиция (кимёвий бирикиши шарт эмас) ҳосил қилиш хусусиятига эга бўлиши, улар структурада локализацияланиши ва «қумтупроқ-тузлар- $\text{Ca}(\text{OH})_2$ – аралашма-сув» тизимини ҳосил қилиши лозим.

Қум-тупроқда оҳақнинг $0,13 \text{ кг/м}^2$ ёки қулнинг $1,28 \text{ кг/м}^2$ миқдорида, СЧА миқдори тахминан 2 маротаба йириклашади ва асосан юза қатқалоқлик сезиларли даражада қисқаради (5-жадвал).

Қум-тупроқни мустаҳкамлаш жараёнидаги юза қатлами мустаҳкамлиги дастлабки намуналарга нисбатан ($0,56-0,59 \text{ МПа}$) $2,80-3,19 \text{ МПа}$ гача ортади,

Мустаҳкамловчи аралашмаларнинг сувга чидамли агрегатлар (СЧА) шаклланишига таъсири натижалари 6-жадвалда, юза қатқалоқлигининг механик мустаҳкамлигига таъсири натижалари 7-жадвалда келтирилган. Кўриниб турибдики, мустаҳкамловчи-аралашмасиз қумнинг СЧА катталиги паст кўрсаткични ҳосил қилади – $6,3\%$.

6-жадвалда Кўкдарё (Орол) кўчма қумларидан қаттиқ заррачаларни чиқиш интенсивлиги ўзгаришига қўшимчалар таъсири ўрганилган. 6-жадвалдан кўриниб турибдики, кўчма қумларни МПК-1 СФМ ($0,5\%$) билан мустаҳкамлашда қаттиқ заррачалар чиқиш интенсивлиги $0,65 \cdot 10^{-5} \text{ кг/м}^2 \cdot \text{сек}$, ГСК билан эса $0,40 \cdot 10^{-5} \text{ кг/м}^2 \cdot \text{сек}$.

6-жадвал

Оролнинг Кўкдарё шўрланган қум дисперсларининг қўшилмалар композицияси таъсиридаги жадаллиги

Аралашма		Каркас тўри	Ҳаво оқими тезлиги, (v), м/сек	Намунали пластинкалар юзаси, (S), см ²	Ҳаво оқими (t),сек	Дастлабки ва сўнгги намуналар оғирликларининг фарқи, г	Қаттиқ зарраларнинг чиқиш жадаллиги, $q \cdot 10^{-5} \text{ кг/м}^2 \cdot \text{сек}$
СФМ	Номланиши						
МПК-1	0,5	ЁҚ	61,15	103	120	0,0080	0,65
ГСК	0,8	ЁҚ	61,15	103	120	0,0050	0,40

Диссертациянинг “Сурхондарё кўчма тупроқ ва қумларини кимёвий мустаҳкамлаш” номли бешинчи бобида шўрлашган Сурхондарё қумларини комплекс қўшимчалар билан қум-боғловчи полимерлар ёрдамида мустаҳкамлаш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган. Мустаҳкамловчи қўшимча композицияларининг сувга барқарор агрегатларни (СЧА) шаклланишига ва юзадаги (сиртдаги) қатламнинг механик мустаҳкамлигига таъсири юзасидан олинган натижалар 7-жадвалда келтирилган. Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, дастлабки кўчма тупроқдаги СЧА миқдори паст бўлиб, у $6,28\%$ ни ташкил этади. Кўчма тупроқ сиртини (юзасини) КГСнинг $0,2$ ва $0,5\%$ концентрацияли сувли эритмалари ва уларнинг ёғоч қипиғи қўшилган композицияси билан ишлов бериш натижасида СЧА миқдори структура мустаҳкамлигининг қисман ортишига олиб келади. Бунда яратилган структура мустаҳкамлиги ва КГСнинг $0,2\%$ эритмаси билан мустаҳкамланган тупроқ СЧА миқдори $0,77-0,87 \text{ МПа}$ ва $29,88-30,36\%$, $0,5\%$ реагент эритмаси билан мустаҳкамланган тупроқлар учун эса мос равишда $1,32 \text{ МПа}$ ва $44,80-50,48\%$ ни ташкил этди. Тупроқни

КГСнинг 0,8 ва 1,1% ли сувли эритмалари ва уларнинг ёғоч қипиқлари билан композициялари ёрдамида ишлов берилганда ҳосил бўладиган структура мустаҳкамлигини КГСнинг 0,8% ли концентрациясида 2,04-2,47 МПа гача ва КГСнинг 1,1% ли концентрациясида 2,92-3,10 МПа гача, шунингдек, уларнинг СЧА сонини мос равишда 70,34-71,21% ва 72,30-79,75% гача оширишга эришилди.


КГС шўрлашган тупроқ зарралари ва унинг таркибидаги тузлар (хлор, сульфат ва б. анионлар) билан ўзаро таъсирлашуви натижасида гелсимон маҳсулотларни ҳосил қилади, улар зарралар таъсирлашуви соҳасидаги фазалараро бўшлиқларда янги маҳсулот кўринишида ажралади ва адгезия туфайли уларнинг сиртида шаклланаётган структурага мустаҳкамлик берадиган елимловчи агент ролини ўйнади. Ўз навбатида, ёғоч қипиқлари заррачалар билан мустаҳкамланади ва “каркас” вазифасини бажаради.

7-жадвал


КГС эритмаси концентрацияси ва унинг ёғоч қипиқлари билан композициялари (ЁҚ)ни сувга чидамли агрегатлар (СЧА) миқдори ва Сурхондарё тупроқлари юза қатламининг механик мустаҳкамлигига таъсири

Эритмалар кон- центрация КГС, %	СЧА миқдори, фракциялар бўйича, мм				СЧА йиғиндиси, %	Мустаҳкам юза, МПа
	> 2,0	2,0-1,0	1,0-0,5	0,5-0,25		
Қўшилмасиз	-	-	1,20	5,08	6,28	-
0,2 %	0,95	0,98	3,70	24,25	29,88	0,77
0,5 %	14,30	8,50	6,42	15,58	44,80	1,32
0,8%	36,70	11,74	11,90	10,00	70,34	2,04
1,1%	43,46	11,18	11,44	6,22	72,30	2,92
0,2 % + ЁҚ	0,98	1,10	4,08	24,20	30,36	0,87
0,5 % + ЁҚ	15,98	9,28	7,98	17,24	50,48	1,66
0,8 % + ЁҚ	37,26	11,95	11,70	10,30	71,21	2,47
1,1 % + ЁҚ	44,18	12,27	11,60	6,70	74,75	3,10

Суюқ шишани ишқорий ер асосларига қўшганда ўзаро алмашиниш реакцияси ҳисобига натрий тузи ва ишқорий ерли силикат ҳосил бўлади:





Бу ерда қуйидаги кимёвий реакция қуйидагича амалга ошади:



Айтиш жойизки, суюқ шишанинг модулига тенг равишда кремний кислотали гел турлича ҳосил бўлади. Бунда реакцияда содир бўладиган ҳолатдан тупроқда содир бўлган ҳолда анча мураккаб кечади, чунки ушбу моддаларнинг адсорбцияси маълум бир аҳамиятга эга бўлади.

Таъкидлаш жоизки, СЧА умумий миқдорининг ортиши билан бирга уларнинг ўлчамлар бўйича тақсимланиши содир бўлади. Агар КГСнинг 0,2%ли эритмаси билан мустаҳкамланган тупроқлар учун асосан ҳосил бўлган агрегатлар ўлчами 0,25-0,5 мм бўлса, КГСнинг 0,8 ва 1,1% ли эритмалари ва ёғоч қипиқли композициялари билан мустаҳкамланган

тупроқларда аксинча $>2,0$ мм ўлчамдаги йирик агрегатлар устунлик қилади. Бу тупроқларни комплекс кўшимчалар билан мустаҳкамлаш натижасида уларнинг сирт қатламлари эркин-дисперс ҳолатдан сувга чидамли макроагрегат заррачалардан ташкил топган қатлам структурасини шаклланиши туфайли боғланган –дисперс ҳолатга ўтишидан далолат беради. 8- расмда кўчма тузли-қум дисперсларида сувда эрувчан КГС реагенти билан ишлов берилганда заррачалар орасида кристалл «кўприклар» вужудга келиб, сувда эрувчан реагент кимёвий боғ ҳосил қилиши ҳисобига кристалланган структуралар ҳосил бўлиши аниқланди.




А

В

8-расм. КГС реагенти таъсирида кўчма қум дисперсларининг микрофотографик кўриниши: А-реагент қўшилгандаги ҳолати, В-вақт ўтиши билан эркин кўчма қум дисперсларининг кристалланиш ҳолати

9-расмда P_m ни қатламни қотиш вақти (τ) га нисбатан ўзгариши кўрсатилган. Расмдан кўришиб турибдики, энг юқори механик мустаҳкамликка 0,5% КГС қўшганда эришилади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, мустаҳкамловчи эритма $CaCl_2$ ҳамда кальций гидроксиди ва хазанг композициясини қўллаш натижасида тупроқларда мустаҳкам қатламнинг ва уни ташкил этувчи сувга чидамли агрегатлар (СЧА) ни ҳосил бўлиши ўрганилди. Натижалар 8-жадвалда келтирилган. Келтирилган натижалардан кўришиб турибдики, $0,26 \text{ кг/м}^2$ ҳазон ва 2 кг/м^2 3:2 нисбатдаги кальций хлориди ва гидроксидидан тузилган композиция энг самарали натижаларни берди, ҳамда у мақбул деб ҳисобланади ва қиймати 2,6 МПа бўлган етарли юқори мустаҳкамликка эга бўлган қатламни ҳосил бўлишига ёрдам беради, бунда структурадаги сувга барқарор агрегатлар миқдори дастлабки 7,30% га нисбатан 70,80% ни ташкил этди. $0,28 \text{ кг/м}^2$ миқдордаги хазон барги (ХБ) кўшимчаси мустаҳкамлик ва барқарорликни таъминлайдиган «каркас» структурасини беради. Ўсимлик хазонларининг парчаланиши тупроқ унумдорлигини шаклланишида бирламчи ўринга эга бўлиб, у ўсимликларни минерал озуқа элементлари мобилизациясига олиб келади, гетеротроф тупроқ микроорганизмларининг фаолиятини энергия билан таъминлайди.



9-расм. P_m ни қатламни қотиш вақти (τ) га нисбатан ўзгариши: 1-қўшимчасиз (назорат); 2-0,25% КСГ қўшимчаси билан; 3-0,5% КСГ қўшимчаси билан.

Бунда асосий ўсимлик целлюлоза ҳисобланади. Ўз табиатига кўра целлюлоза бета-1,4-гликозид боғлар билан боғланган бета-Д-глюкоза молекулалари занжирдан ташкил топган чизикли полимер ҳисобланади.

8-жадвал

Сурхондарё кўчма тупроғи структураси мустаҳкамлигига CaCl_2 эритмасини ва хазон билан қўшимчалари таъсири

Мустаҳкамловчилар, %	Қатлам мустаҳкамлиги, МПа
дастлабки	0,6
CaCl_2 0,3 %+ $\text{Ca}(\text{OH})_2$ +26 гр X	2,85
CaCl_2 0,3 %+ $\text{Ca}(\text{OH})_2$ +27 гр X	3,10
CaCl_2 0,3 %+ $\text{Ca}(\text{OH})_2$ +28 гр X	3,14
CaCl_2 0,3 %+ $\text{Ca}(\text{OH})_2$ +29 гр X	3,19
CaCl_2 0,3 %+ $\text{Ca}(\text{OH})_2$ +30 гр X	3,22

Моносахаридлар занжири таркибида мум ва пектин тутган қобиқ билан ўралган толаларда жамланган. Полимернинг бундай тузилиши целлюлозага механик мустаҳкамлик, ташқи кимёвий таъсирларга барқарор ва сувда эримайдиган хусусиятларни беради. Целлюлоза синтези – масштабли (кенг қамровли) табиий жараён бўлиб, крахмал каби у энг кенг тарқалган органик бирикма ҳисобланади. Тупроққа целлюлоза ўсимлик қолдиқлари билан тушади, унда целлюлозанинг миқдори етарлича юқори (40%:70%).

Экилган ва униб чиққан уруғлар миқдори, шунингдек, уларнинг мустаҳкамланган тупроқларда ўсиш динамикаси шуни кўрсатадики, уруғларни униб чиқиши бўйича энг юқори кўрсаткич *Agropyron cristatum* учун 87,5% гача ва *Artemisia ferganensis* учун 80,0% гача, ўсимликларни баландлиги мос равишда 14,3 ва 13,1 см бўлиши шўрланган тупроқларни 0,26 кг/м² ёғоч қипиғи ва 0,8% концентрацияли КГС билан ишлов берилганда эришилди, бунда қатлам мустаҳкамлиги 2,47 МПа, СЧАлар йиғиндиси – 71,21%ни ташкил этади.

Таъкидлаш жоизки, тупроққа қўшиладиган ёғоч қипиғини миқдорини 0,26 дан 0,13 кг/м² гача камайтириш қум параметрлар қийматларини ва ўсимликлар ривожланиш динамикасини пасайишига олиб келади. Шундай қилиб, тупроқ қатлами мустаҳкамлиги 2,47 дан 2,16 МПа гача, СЧА миқдори 71,21 дан 69,02% га, уруғларни униб чиқиши *Agropyron cristatum* учун 87,5%дан 69,29% гача ва *Artemisia ferganensis* учун 80,0% дан 75,0% гача камайиши, ўсимликлар баланлиги *Agropyron cristatum* учун 14,3 дан 11,8 гача, *Artemisia ferganensis* учун эса 13,1 дан 11,6 гача камайиши кузатилади. Тупроққа бериладиган ёғоч қипиғи миқдорининг 0,26 дан 0,39 кг/м² гача ортиши ҳам шўрлашган тупроқ параметрлар қийматларини ва ўсимликлар ривожланиш динамикасини пасайишига олиб келади. Бунда тупроқ қатлами мустаҳкамлиги 2,47 дан 2,34 МПа гача, СЧА миқдори 71,21 дан 66,08% гача, уруғларни униб чиқиши *Agropyron cristatum* учун 87,5%дан 77,7% гача ва *Artemisia ferganensis* учун 80,0% дан 70,0% гача камайиши, шунингдек, ўсимликлар баланлигини камайиши *Agropyron cristatum* учун 14,3 дан 14,3 гача ва *Artemisia ferganensis* учун эса 13,1 дан 11,8 гача кузатилди 9-жадвал.

КГС эритмаси концентрациясини 0,8 дан 0,5% га ва 0,8 дан 1,1% га ўзгартириши ишлов берилган шўрлашган тупроқ кўрсаткичларини ва экилган уруғлар ўсиш динамикасини яхшиланишига таъсир қилмайди.

